Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 224 (6. 115) ◉ 1986 йил 29 сентябрь, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин




# Икки йиллик план—Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига

**Ижодий ташаббус такрорланиши, кенг ёйилиши билан қудратли. СССР Кўмир саноати министрлиги «Южкузбасуголь» бирлашмасининг «Распадская» шахтасидан В. М. Гвоздев бошлиқ тозалаш забойи кон ишчилари бригадаси, «Воркутауголь» бирлашмасининг «Воргашорская» шахтасидан А. П. Потапов бошлиқ 7-участкаси ҳамда СССР Нефть саноати министрлиги «Сургутнефтегаз» бирлашмасининг Сургутдаги 2-пармалаш ишлари бошқармасидан мастер В. Л. Сидорейко бошлиқ пармаловчилар бригадаси коллективларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошлаган ташаббуси саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва муассасаларнинг коллективларида кенг муҳокама қилиняпти.**

**Ташаббускорлардан намуна олиб, меҳнат унумдорлигини ўстириш, мусобақадошларга зарур шароитлар яратиш, уларнинг меҳнатини юксак даражада ташкил этиш ва инженерлик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш бўйича оммавий ҳаракат кенг қулоч ёймоқда. Энг юксак унумдорликка эришиш, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш йўллари изланяпти.**

**Планлар ижодий қайта кўриб чиқиляпти, янги оширилган социалистик мажбуриятлар белгиланяпти. Қуйидаги материалларда шу ҳақда ҳикоя қилинади.**

## Илғорларнинг шахдам одими

«Совет халқининг илҳомбахш, ижодий меҳнати— ўн иккинчи беш йилликка!» — мебель ойналари фабрикасининг юзлаб ишчилари шу кунларда ана шундай шиор остида меҳнат қилишаяпти.

Шахтёрлар В. Гвоздев ва А. Потапов, бурғиловчи В. Сидорейколарнинг ташаббуси янги илҳом манбаи бўлиб қолди, меҳнат беллашувининг янги қирраларини ёритиб берди. Фабрикада барча иш жойларида жадаллаштиришнинг янги резервлари изланмоқда, социалистик мажбуриятлар қайта кўриб чиқилаяпти.

Жумладан, ойна қирраларига ишлов бериш технология линиясининг оператори Бахтиёр Улуғхўжаев ўз вазифасига ижодий ёндошмоқда. У тажрибаси, маҳорати, чуқур таҳлил туфайли ойна қирраларига ишлов бериш технологик жараёнини тезлаштиришга муваффақ бўлди. Б. Улуғхўжаев ўз имкониятларини ҳисоб-китоб қилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини беш йилликнинг уч йили планини бажариш билан нишонлашга қарор қилди.

Шунингдек, ойна қирқувчилар Лазарь Тульчинский, Шоир Мирзаев, ойналарни металлаштириш участкасидаги Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлигининг бригадалари ўртасида республика социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилган Нина Сергеева бошлиқ бригада ҳам ўз зиммасига юксак мажбуриятлар қабул қилди.

Корхона коллективи меҳнат унумдорлигини аввалги мажбуриятларда кўзда тутилганидек, планга қўшимча бир процентга эмас, икки ярим процентга оширишга аҳд қилди. Бу фабрикага беш йилликнинг биринчи йилида ишлаб чиқариш ҳажмининг планда кўзда тутилган ўсишига меҳнат унумдорлиги ҳисобига эришиш имконини беради.

**В. МЕДВЕДЕВА,**
**меҳнат ветерани.**

## Ғолибларга—қизил вимпель

Дурадгорлик буюмлари заводида М. Қурбонов бригадасига социалистик мусобақа ғолибининг қизил вимпели топширилди. Магомед Қурбоновни Тошкент дурадгорлик буюмлари заводининг ветерани деб аташга ҳали эрта бўлса ҳам корхонада у ҳақли равишда шуҳрат қозонган. Унинг маданий-маиший буюмлар цехида меҳнат қила бошлаганига бир йилдан ошди. У шундай ғайрат билан, сидқидилдан меҳнат қиладики, цехдагилар умум иши учун жон куйдирадиган, ўз касбини яхши кўрадиган кишигина ана шундай меҳнат қилиши мумкинлигини тушунишди.

Янги уйга кўчиб кирган оилалар ярақлаб турган паркет полга қадам қўйишар экан, бу фақат қурувчилар меҳнатининг самараси деб ўйлашмасин. Бунда маданий-маиший буюмлар цехидаги М. Қурбонов бошлиқ шчитли паркетлар комплекс бригадаси аъзоларининг ҳам ҳиссаси бор. 32 кишидан иборат коллективни бошқариш, муваффақиятдан муваффақият сари етаклаш, албатта, осон эмас. Аммо ёши, характери, қизиқиши турлича бўлган кишилар бир мақсадга интилса, ҳар қандай ишни бажариш мумкин.

Ушбу илғор бригадада смена топшириқларини ортиғи билан бажариш, меҳнат унумдорлигини оширишга интилиш ҳамма учун шон-шараф иши бўлиб қолган. Шу туфайли коллектив ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди, заводнинг энг яхши бригадаси деб ҳисобланади. Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида коллектив 28,2 минг квадрат метр юқори сифатли шчитли паркет тайёрлади. Норма 105,6 процент бажарилди. М. Қурбонов бошлиқ комплекс бригаданинг станокчилари, прессчилари, бошқа аъзоларининг чаққон ҳаракатини кузатиш ҳузур бағишлайди. Бригадирнинг ўзи ҳаммага ибрат. Евгений Пустошило, Ольга Савченко, Евгений Сулоев ва бошқалар ундан қолишмайдилар.

Дурадгорлик буюмлари заводининг маданий-маиший буюмлар цехида социалистик мусобақа ғолиби шарафига бир неча марта қизил вимпель осиб қўйилди. Шу кунларда М. Қурбонов бошлиқ коллектив Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдирмоқда, фахрли коммунистик меҳнат бригадаси номи учун курашмоқда.

**А. ГАЛИМОВ.**

## Ҳайдовчи намунаси

Тошкентдаги 2-автопаркда «Икарус—260» автобусининг ҳайдовчиси Н. Сирометованинг номи яхши маълум. Парк бригадирлар советининг аъзоси ва ёшларнинг мураббийси бўлган бу пешқадам ҳайдовчи 171-маршрутда ишлайди. Бугунги кунда у давлат жамғармасига планга қўшимча 1,5 минг сўм топширди ва қўшимча 61 минг йўловчи ташиди.

Илғор ҳайдовчи шахтерлар ва пармаловчилар ташаббусини маъқуллаб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги арафасида икки йиллик ишлаб чиқариш программасини бажаришга биринчилардан бўлиб қарор қилди. Бу ваъда ҳайдовчининг шахсий социалистик мажбуриятларига ёзиб қўйилди.

**П. ВЛАДИН.**

## Замондошимиз



## Меҳнат келтирган шуҳрат

**Уни тенгдошлари қатори шогирдликка қабул қилишди. Штамповчилик сирларини ўрганишда қунт ва ирода кўрсатди. Кўп ўтмасдан деталларни мустақил тайёрлашни ишониб топширишди. Унинг тайёрлаган маҳсулотини биринчи марта назоратчи эътирозсиз қабул қилди. Шундай хурсанд бўлиб кетдики, ўзини қўйгани жой тополмай қолди.**

**Бу воқеага 20 йил бўлди. Ҳозир Тўравой Исаев «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги энг машҳур кишилардан бири. Меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар жуда қисқа. Унинг мукофотлар қайд этиладиган саҳифасига қуйидаги ёзувлар битилган. «Ўн биринчи беш йиллик зарбдори», «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Беш йиллик топшириғини бажаришда алоҳида намуна кўрсатганлиги учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган».**

**Бунга унинг жамоатчилик топшириқларини бажаришдаги жонкуярлигини ҳам қўшимча қилиш керак. Цех касаба союз ташкилотининг раиси сифатида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, шу кун талабидан келиб чиққан ҳолда қайта қуришни амалга оширишда барча ишларга бош-қош бўлмоқда. Цех партия бюросининг аъзоси сифатида эса янгиликларни тарғиб қилиш ва жорий этишда намуна кўрсатяпти.**

**СУРАТДА: Тўравой Исаев.**

**Т. Каримов фотоси.**

## Тошкент—Чернобилга

## Ҳамзаликлар ҳиссаси

Пойтахтимизнинг Ҳамза районидаги корхона ва муассасалар, ўқув юртларининг коллективлари ҳам Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Район марказий омонат кассасига 153, 30 ва 161-мактаблар топширган пул салмоқли бўлди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимлари шу кассага 300 сўм пул топширишди.

Районда 904-счетга пул ўтказувчи корхоналар сафи кенгайиб боряпти. 1-уйсозлик комбинатининг 1-йирик панелли уйсозлик заводи ишчилари 7700 сўм пул ўтказдилар. «Ташсельмаш» заводининг ёрдами 35 минг 700 сўмни ташкил этди.

## Тошкент—янгича анъаналар шаҳри

# БИЗ—ЁШ ИШЧИЛАР СИНФИМИЗ

Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ва инженер педагогик коллективлари ўтган шанба ва якшанба куни шаҳримизнинг Карл Маркс кўчасида ўтказилган байрамнинг эгалари бўлдилар. Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, Тошкентда ҳозирги пайтда 57 та билим юрти бўлиб, унда 33 мингдан зиёд ўқувчи турли хил касбларни иштиёқ билан эгалламоқда.

Ёшларнинг бу оммавий байрами «Биз —ёш ишчилар синфимиз», «Инсонни меҳнат шарафлайди» шиорлари остида ўтди. Байрамнинг мезбон навбатчилари —33 ва 44-билим юртларнинг бўлғуси авиасозлари тенгдошларини ана шу маросимга таклиф этишди.

Икки миллиондан зиёд аҳоли яшаётган замонавий индустриал шаҳар — республика пойтахти— Тошкент аҳолиси юзлаб турли хил касбларнинг эгасидир. Одатда бундай катта маросимлар меҳнат кишисига ғайрат-шижоат бахш этади, унинг кайфиятини кўтаради.

Карл Маркс кўчасига чиндан ҳам жуда кўп ёшлар йиғилишди. Тадбирлар ранг-баранг эди. Кийим-кечак тикишни ўрганаётган ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Болалар 9, 10, 22-билим юртлари техника ижодиёти тўгаракларида шуғулланишмоқда. Улар ишлаб чиқариш таълими мастерлари Л. К. Дьякова, Т. И. Иброҳимова, О. И. Тўхтаева сингари ажойиб кишиларнинг қўлида ҳунар эгаллашмоқда.

Ноз-неъматлар савдо-кўргазмаси барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Уни 24, 49 ва 55-билим юртларининг ўқувчилари тайёрлашди. Бу билим даргоҳларини битирган ёшлар ҳозир умумий овқатланиш корхоналарида, заводларнинг ошхоналари ва қандолат цехларида меҳнат қилишмоқда.

— Бундай ажойиб байрам албатта бизни қувонтиради, — дейди 9-билим юрти ўқувчиси Марина Зубилова,— У группа бошлиғи, аълочи, бўлғуси тикувчидир.— Бу байрам менга ва тенгдошларимга жуда маъқул бўлди. Биз янги дўстлар орттирдик, орзу-режаларимиз ҳақида фикрлашдик. Бу ерда ҳамма иш тартибли ташкил қилинган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Краснодар ўлкаси партия активи билан бўлган учрашувда ишимизда ошкоралик бўлиши ва уни янада кенгайтириш ҳақида гапирди. Ошкоралик шу билан бебаҳоки, у бугунги тараққиётимиз билан боғлиқдир. Якшанба дам олиш кунларимизни бундай кенг кўламда ўтказишимиз айни муддао бўлди.

— Иш ҳафтасининг охирида шаҳримизда бундай оммавий байрамларни ўтказиб туриш керак,— деб суҳбатни давом эттирди 6-билим юрти ишлаб чиқариш таълими мастери Абдуқодир Нишонович Нишонов.

Байрамда ўзбек совет композиторларининг асарлари янгради. Уларни ҳаваскор артистлар, бўлғуси қурувчилар —12-билим юрти ўқувчилари ижро этишди. 3- ва бошқа билим юртлари ҳаваскорлик коллективлари ҳам ўз маҳоратлари билан байрамга файз киритишди. Уларнинг ҳузурига Тошкентда таълим олаётган хорижий студентлар —Вьетнам, Лаос, Кампучия ёшлари меҳмон бўлиб келишди.

Бу байрамни ташкил қилган шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси ёшлар билан биргаликда дам олиш тадбирини қизиқарли тайёрлашган. Шундай қилиб Карл Маркс кўчаси ўтган дам олиш кунлари шаҳримиз навқирон ўғил-қизлари билан янада файзли бўлди.

**А. ПЎЛАТОВ,**
**Э. АДАЙКИНА.**

# ДАМ ОЛИШ— МУҲИМ ИШ

Барча маданият муассасаларида халқ сайлларини ўтказиш, байрам ва коллектив дам олиш кунларини қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш одат тусига кириб бормоқда. Оммавий байрамларни ўтказишнинг жонкуяр ташаббускорлари ҳам пайдо бўлмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг коллективлари, партия ва совет органлари шулар жумласидан. Биз Тошкент пойабзал фабрикаси коллективининг дам олиш кунида қатнашдик. Уни ўтказишга мутасадди ходимлар байрамнинг завқли ўтишига астойдил ҳаракат қилишди. Юзлаб пойафзалчилар оилалари билан байрамда мириқиб дам олишди.

Шаҳримиздаги Тельман номли, Горький номли ва бошқа боғларда меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш борасида яхши тажриба тўпланган. Ҳозир КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ишимизни қайта қуриш жадал бораётган бир пайтда, маданият ходимлари ҳам аҳолининг ўсиб бораётган талабини қондириш, социалистик турмуш тарзини янада бойитиш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқлари керак.

Тельман номли маданият ва истироҳат боғида бир неча театрлашган байрамлар қизиқарли ўтди. Бу ерда музика байрамлари, бастакорлар ва ёзувчилар билан учрашувлар, симфоник музика концертларини ўтказиш анъанага айланиб қолган. Ана шу оромгоҳда узоқ умр кўрган нуронийлар, кўп болали оналарнинг байрамлари, «Тошкент — нон шаҳри, меҳмондўст шаҳар», «Меҳнатга шон-шарафлар» байрамлари ўтказилди.

Бу оромгоҳ СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг қатнашчиси, уч марта диплом билан тақдирланган, унинг меҳнатчилари виставканинг олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндорларидир.

Ўтган шанба куни бу ерда биринчи марта «Бўш вақтимиз — туризм ва актив дам олишга» байрами ўтказилди.

Шу билан бирга марказий ва маҳаллий газеталар саҳифаларида маданият ўчоқлари адресига танқидий фикрлар айтилиб, бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар кўрсатиб берилди.

Ҳозир шаҳримиздаги кўпгина боғларда реконструкция, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

«КПСС XXVII съезди талаблари асосида аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва маданий хизмат кўрсатиш бўйича маданият ва истироҳат боғларининг ишини такомиллаштириш» мавзуида ўтказилган боғ директорларининг республика семинар-кенгашида ана шулар ҳақида гапирилди. Кенгаш бугун ўз ишини ниҳоясига етказди. Унда боғлар ишини жадал қайта қуриш, истиқболни кўзлаб ривожлантириш, оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ҳақида фикр алмашилди. Кенгашда Тошкент боғларининг директорлари ҳам сўзга чиқдилар.

Семинар қатнашчилари Тельман номли боғда бўлдилар, Ленин комсомоли номли боғдаги анъанавий 29-дўстлик карнавалида қатнашдилар.

# Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида республика Илмий-атеизм уйи ва «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениеси партия ташкилотининг КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида шаҳар меҳнаткашлари ҳамда аҳолисини атеистик руҳда тарбиялашни такомиллаштиришда коммунистларнинг роли ва масъулиятини ошириш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, республика Илмий-атеизм уйи, «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениеси партия ташкилотлари коммунист-раҳбарлари атеистик тарбияни такомиллаштириш учун коммунистлар ҳамда ходимларнинг масъулиятини ошириш соҳасида айрим ишларни олиб бормоқдалар. Айни пайтда кўрсатиб ўтилдики, улар илмий-атеистик тарғиботни қайта қуриш, унинг ҳужумкорлигини таъминлашда етарли даражада ташаббускорлик қилмаяптилар, шаҳарнинг алоҳида районларидаги диний вазиятни ҳисобга олган ҳолда бу ишни ташкил этиш қамровини жуда суст кенгайтирмоқдалар.

Илмий-атеизм уйи партия йиғилишларида атеистик тарбия масалалари муҳокамаси кўпинча аниқ характерга эга бўлмаяпти, қабул қилинаётган қарорлар умумий иборалардан иборат. Уларнинг ижросини назорат қилиш йўлга қўйилмаган. Илмий-атеистик билимлар тарғиботи масалалари «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениеси коммунистлари муҳокамасига киритилмаган.

Илмий-атеизм уйи илмий-атеистик тарғиботни ташкил этиш бўйича тавсияларни мунтазам равишда ишлаб чиқаётгани йўқ. Бунда эскириб қолган талабларга қараб иш кўрилаяпти. Натижада лекциялар кўпинча мавҳумий характерга эга бўлиб, дин ишончли тарзда танқид қилинмайди. Ҳозирга қадар якка тартибда иш олиб бориш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилмаган.

«Билим» жамияти шаҳар ташкилотининг атеистик билимларни тарғиб этиш бўйича илмий-методик кенгаши тўла куч билан ишламаяпти, худди шундай секциялар шаҳарнинг фақат тўрт районидагина тузилган, холос. Кўпчилик лекцияларнинг мавзулари умумий характерда баъзилари эскириб қолган бўлиб, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди талаблари асосида қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Бу ташкилотлар атеистик иш соҳасидаги энг яхши тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва ёйишга етарли эътибор беришмаяпти. Кейинги уч йил мобайнида атеистик тарбияга доир проблемалар бўйича социологик тадқиқотлар ҳамда жойлардан келган саволларни таҳлил этиш кенг йўлга қўйилаётгани йўқ. Диндорлар билан баҳс-мунозаралар ўтказиш, динга қарши тарғибот олиб борадиган агитбригадалар тузиш сингари ҳужумкор атеизм формаларидан фойдаланилмаяпти. Улар атеистик ишларда янги формаларни излаб топишда ташаббус кўрсатмаяптилар, қўшимча йўл-йўриқлар берилишини кутмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси Илмий-атеизм институтининг Тошкент шаҳридаги республикалараро филиали, олий ўқув юртларининг атеизм кафедралари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилмаган. Илмий-атеистик тарғибот ишларига илмий-тадқиқот институтлари, ижодий ташкилотларнинг ходимлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг раҳбарлари, шаҳар партия комитетининг марксизм-ленинизм университети, мактаблар, семинарлар, илмий-атеизм халқ университетларида тайёргарликдан ўтган активлар амалда жалб этилмаяпти.

Ислом маросимлари ва бошқа диний урф-одатларнинг хийла кўпайганлиги атеизм уйи ҳамда «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти меҳнаткашлар ва аҳолини атеистик тарбиялаш соҳасидаги ишларининг самараси ниҳоятда пастлигини кўрсатади.

Шаҳар партия комитети бюроси шуни таъкидлаб ўтдики, Илмий-атеизм уйи, «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениеси бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларида КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг меҳнаткашлар ҳамда аҳолини атеистик тарбиялашни кучайтириш ҳақидаги қарорлари асосида етарли даражада қайта қуриш жараёни ҳозирча рўй бераётгани йўқ, уларнинг шаҳардаги диний вазиятни ҳисобга олган ҳолда илмий-атеистик тарғиботнинг турли-туман форма ва методларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш соҳасидаги ташкилий-методик фаолияти бўшаштириб юборилган.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда илмий-атеизм уйи, «Билим» жамияти шаҳар ташкилоти правлениеси бошланғич партия ташкилотлари, коммунист-раҳбарлари, илмий ва масъул ходимларининг шаҳарда илмий-атеистик тарғибот ишларини тубдан қайта қуриш соҳасидаги роли ва жавобгарлигини оширишга қаратилган бир қатор амалий тадбирлар белгиланди.

Шаҳар партия комитети бюроси партия ташкилотлари фаолияти, шаҳарнинг иқтисодий ва социал ҳаётига оид бошқа масалаларни ҳам муҳокама этиб, тегишли қарорлар қабул қилди.

## Футбол. Биринчи лига

## «Пахтакор»—«Динамо» (Ставрополь)—4:1

**кеча**

**«Пахтакор» ўз майдонида Ставрополь шаҳрининг «Динамо» командаси билан навбатдаги тур учрашувини ўтказиб, 4:1 ҳисобида ғалабага эришди. Тўпларни А. Зейтуллаев, А. Айвазян, О. Синелобов, С. Бауэр киритишди.**

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Локомотив» — «Шинник» — 2:1, «Факел» — «Искра» — 3:0, «Кубань» — «Кузбасс» — 2:0, Ростов армия спорт клуби— Хабаровск армия спорт клуби — 2:1, «Атлантас» — «Металлург» — 2:0, «Даугава» — «Колос» — 2:0, «Помир» —«Ростсельмаш» —4:0, «Карпати» армия спорт клуби— МАСК —0;1, «Нистру» — «Ротор» — 0:4, «Спартак» —«Гурия» — 3:4.

## ОБ-ҲАВО ва САЛОМАТЛИК

**29 СЕНТЯБРЬ—4 ОКТЯБРЬ**

**Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажидов таҳрири остида.**

Узоқ давом этган иссиқ, ёғингарчиликсиз кунлардан сўнг шу ҳафта бошларида Ўзбекистон аҳолиси куз нафасини ҳис эта бошлайди. Осмонда булут кўпаяди. Лекин ёғингарчилик кам бўлади. Ҳарорат кечаси 6—11, кундузи 20—25 даражагача пасаяди.

Сўнгра ҳафта охирига қадар очиқ, иссиқ кунлар сақланиб туради. Ҳарорат кечаси 13—18, кундузи 28—33 даража иссиқ бўлади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормадагидан 2 даража иссиқ бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медицина метеомаълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра ҳафта бошида совуқ ҳаво оқимининг кириб келиши ва ҳаво ҳароратининг пасайиб, атмосфера босимининг кўтарилиши, булутли кунларнинг кўпайиши юрак-қон-томир, мия ва суяк, ўпка хасталиклари бўлган беморларнинг кайфиятига салбий таъсир этиши мумкин. Юрак-қон томир хасталиклари бўлган беморлар профилактика мақсадида врачларнинг тавсияси билан қон босимини ростловчи препаратларни ва антивазоспастин қабул қила бошлашлари лозим. Таянч-ҳаракат аппарати хасталиги бўлган беморлар совуқдан ўзларини эҳтиёт қилишлари, врачларнинг тавсияси билан оғриқни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари керек. Ана шу группадаги беморларга, шунингдек, асабийлашмаслик, ўта даражада жисмоний ва ақлий меҳнат қилмаслик тавсия этилади.

Ҳафтанинг қолган кунларида об-ҳаво ҳаммага ижобий таъсир этади.

